

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**  
**Термиз мұхандислик-технология**  
**институти директори**  
**“Ж.Ахмедов”**  
**2022 йил**



**ТЕРМИЗ ШАХРИ ИСЛОМ КАРИМОВ КУЧАСИ 288 А УИДА ЖОЙЛАШГАН  
 МАЪМУРИЙ ВА УҚУВ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ  
 ЛОЙИХД-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ**

(сүмда)

№	ИШ ХИЗМАТЛАР НОМИ	ҮЛЧОВ БИРЛИГИ	СОНИ	НАРХИ	СУММАСИ
1	ТЕРМИЗ ШАХРИ ИСЛОМ КАРИМОВ КУЧАСИ 288 А УИДА ЖОЙЛАШГАН МАЪМУРИЙ ВА УҚУВ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЛОЙИХД-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ	ХИЗМАТ	1	300 000 000	300 000 000
	<b>ЖАМИ</b>				<b>300 000 000</b>

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Термиз мұхандислик-технология

институти директори

Ү.Ахмедов

2022 йил



ТЕРМИЗ ШАХРИ ИСЛОМ КАРИМОВ КУЧАСИ 288 А ҮЙДА ЖОЙЛАШГАН  
МАЪМУРИЙ ВА ҮҚУВ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ  
ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

объекти бўйича:

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

"Термиз мұхандислик-технология институти"

Ташкилот номи

2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

### **НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

*(Танлаши иштирокчиларига тақдим этишмайди)*

### **ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

#### **УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ  
МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ  
СХЕМАСИ

#### **ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РҮЙХАТИ

#### **ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БҮЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

ЛОЙИХА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

**ТЕРМИЗ МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
(Буюртмачи ташкилот номи)

Энг яхши тақлифни ТАНЛАШ учун эълон юйлайди

**Объект номи:** Маъмурий ва уқув биносини капитал таъмирлаш ишлари лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишлари бошланғич нархи – 250 000 000 сўм. (ҚҚС билан) Ишларни тугаллаш муддати –14 календарь кун.

Буюртмачи: У.Ч.Ахмедов

Тел (76)-221-87-20

**Молиялаштириш манбаси:** Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари қўйидаги талабларга лойик булишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техниковий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали булишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ташкилотлари танлашда катнашганда, танлаш тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади;
- ◆ Тақлифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш тақлифлари қонун хужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ◆ Танлаш иштирокчилари танлашда катнашиш тұғрисидаги тақлифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин
- ◆ Таасиқланган танлаш хужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари буйича etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ◆ Тақлифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.



У.Ахмедов

# ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

## Термиз мұхандислик-технология институти

ТЕРМИЗ ШАХРИ ИСЛОМ КАРИМОВ КУЧАСИ 288 А УЙДА ЖОЙЛАШГАН  
МАЙМУРИЙ ВА ҮҚУВ БИНОСИННИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЛОЙИХА-  
СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

(буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект бүйича танлаш таклифини тақдим этилишини сұраймиз.

**Объект номи:** Термиз шахри Ислом Каримов кучаси 288 а уйда жойлашган маимурый ва үқув биносинни капитал таъмирлаш ишлари лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бошлангич нарыхи—250 000 000 сүм. (КҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати —14 календарь кун.

Буюртмачи: У.Ч.Ахмедов, Тел (76)-221-87-20.

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблаглари хисобидан.

Таклиф этилган шартлар бүйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мүмкін.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги тағлаблар күйилади:

фукаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан мұхандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизmlар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (курсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга кодирлиги (курсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ухшаш объекtlарда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳакидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори түғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлик фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (булиниш, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ишлатиладиган машина ва механизmlар рўйхати тулиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бүйича тендерга эълон берган вактида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тулиқ курсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйрук ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси булиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотұғри маълумот берилса тендер хүжжатлари күрілмасдан қайтариб берилади ва чиқарып юборилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хүжжатлар танлаш иштирокчилари учун йүрикномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш хүжжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳакида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақындариди.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси объектнинг таъмирлаш хүжжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нұсхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг бириңчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тұғрисидаги таклифлари ва танлаш хүжжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мүмкін

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хүжжатларига құйилған талабларни ұрганғани ва унда күрсатилған ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларға нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мүмкін бўлған саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 10 (үн) кундан кейин танлаш комиссияси томонидан бўлиб үтади.



Директор

У.Ахмедов

## ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙУРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҶРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган обьект буйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган обьект буйича танлаш эълон қиласи.

1.2. Танлашнинг тури – очик танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш ҳужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Лойиха ишлари, Узбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шахарсозлик нормалари ва коидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб килинадиган барча ишчи кучлари, лойиха-смета ҳужжат материаллари, ёнилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йулдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

### II. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш ҳужжатлари Узбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРК 684-сонли конунига мувофиқ ҳамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли карорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур ўрикномани, шакл ва иловалар кўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлаш иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони буйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллиги.

6-шакл. Танлашдаги обьектга ухшаш обьектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошка (пудрат шартномалари) обьектлари.

8-шакл. Лойиха-смета ҳужжат майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-илова. Лойиха-смета ҳужжат лойиха-смета ҳужжатларини бажариш буюртманомаси.

2-илова. Объектнинг лойиха-смета ҳужжат ишларини бажариш графиги.

3-илова. Объект лойиха-смета ҳужжатини молиялаштириш графиги.

4-илова. Объектнинг жамланма жадвали, обьектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, обьект лойиха-смета ҳужжатининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган киймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида)

жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тулиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: Таъмиrlашининг ҳусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳуёжжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат қисми:

войсати ҳужжатнинг бошлангич нархи;

войсати ҳужжатнинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

### III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур таъмиrlаши ишлари буйича танлашда таклиф этилган шартлар буйича иштирок этиш мақсадида мурожаат маҳаллий ва хорижий лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлавчи ташкилотлари танлаш иштирокчиси булиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиш учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур ўрикноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боялик барча ҳаражатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан катъий назар мазкур ҳаражатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этилдиган ҳужжатлар (таклифлар) танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берishi керак.

### IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида карор кабул килишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартаришга йул кўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак.

Шу билан бир вактда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартаришлар ҳакида танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчилари билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишда танлаш ташкилотчисига танлаш ҳужжатлари буйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сурофи буйича танлаш хужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ суровлар мөҳияти буйича таклифларни топширишнинг ТАЖда курсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сурофф манбасини курсатмаган ҳолда танлашда иштирок этиши истагини билдирган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлаш хужжатларига ўзгартаришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг суроғига жавобан амалга оширилганлигидан катъий назар “Танлаш иштирокчиларига хабарнома” кўринишида расмийлаштирилади ва танлаш хужжатларига қушимча булиб колади. Шу кўринишида расмийлаштирилмаган ўзгартаришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноконуний киритган ўзгартариш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дархол уни ташкилотчига кайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос була олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартаришлар киритиш учун зарур вакт тақдим этиши максадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувоғик таклифлар тақдим этиши муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада таклифлар тақдим этиши муддатини янги охирги санаси белгиланади.

## V. ХУЖЖАТЛАРНИ УРГАНИШ

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъмирлаш ишлари хужжатларини урганиб чиқишлиари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш максадида танлаш предметининг таъмирлаш хужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график кисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши хакида мурожаат килишга ҳаклидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъмирлаш хужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишига мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб куришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини урганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва мөҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг кийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни урганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юкоридагиларни ургангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, таъмирлаш туталлашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўклигига далолат ҳисобланади.

## VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи уртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда курсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш хужжатларининг бошқа кисмларида курсатилган маълумотларда тафовут булганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида факат түғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ХУЖЖАТЛАР

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-банда кўрсатилган холлардан ташкари, иккита - биринчи ва иккинчи йигма жилдан иборат. Биринчи йигма жилдга кирувчи хужжатларда танлаш таклифи кийматига оид ҳеч қандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар факат иккинчи йигма жилд хужжатларida бўлиши керак.

### 7.2. Биринчи йигма жилд таркибидаги хужжатлар:

7.2.1. ТАЖда курсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг маъсус ҳисоб рақамига утказиш топширикномасининг нусхасини тақдим килиш йўли билан танлашда иштирок этиши буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати обьект бошлангич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал килиш муддати ТАЖда курсатилган.

7.2.2. Танлаш иштирокчиси хакида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тулдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустакил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг хакикатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар нусхасини тақдим этишига мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий аҳволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳакидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова килишга мажбур. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошданғич нархининг 20 %гача микдоридаги айланма маблаглар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблаглари мавжудлиги түғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади.)

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони буйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охирги ҳисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишили солик органлари томонидан тасдикланади.

7.2.5. Танлаш предметига ухаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ухашаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб утиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шакла кўрсатилган маълумотларни тасдиги сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи пудратчи сифатида булсан булса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова килинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизmlари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган булсан, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизmlардан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъмирлаш ишларининг бажарish даврида ҳакикий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова килиши керак.

7.2.8. Талабгорнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) буйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Лойиха-смета хужжат майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, хужжатларга имзо чекиши ва танлашда катнашиш хукуқини берувчи ишончнома (9-шакл). Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (раҳбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки руҳсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа хужжатлари (айрим ҳолларда), руҳсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган булсан. Лицензиялар ва руҳсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.10. Юкорида сўралган шакллар ва хужжатларга танлаш иштирокчisi ТАЖда кўрсатилган тасдикловчи хужжатларни илова килиши керак.

### 7.3. 2-ийғма жилд таркибидаги хужжатлар:

7.3.1. Таъмирлаш ишларин бажарishга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг лойиха-смета хужжат ишларини бажарish графиги (2-илова).

7.3.3. Объект лойиха-смета хужжатини молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект лойиха-смета хужжатининг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган:  
- жамланма жадвал;  
- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;  
- объектда ишлатиладиган лойиха-смета хужжат материаллари (материаллар таснифи ва микдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчisi уз таклифида ҳар бир иш тури буйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирасдан тақдим киласди.

Лойиха-смета хужжат материаллари буйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга қаранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини кўйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Танлаш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - танлаш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сунг, аммо офертанинг амал килиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишининг охирги куни ва вакти тутагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайtариш, банк амалиётларининг харажатлariдан ташқари, қайtариш асоси вујудга келган вақтдан эътиборан 10 (ун) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок буюртма таъминоти кўйидаги ҳолатларда қайtарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишининг охирги куни ва вакти тутагандан кейин, унга ўзгартариш киритган, тендер таклифининг амал килиш муддати ва 7.4.2 бандда кўrсатилган муддатдан олдин қайtариб олган оферентга;

7.6.2. Танлаш ғолиби унинг таклифи амал килиш даврида уз таклиfini қайtariб олганда ёки танлаш хужжатлariда белгилangan талабларда шартномa тузишdan бош tortganda.

7.7. Дастлабки малака танлаши оркали танлаш ўтказилганда биринchi йигма жилд хужжатлari малакavий хужжatлari деб, икkinchi йигма жилд хужжatlari esa танлаш taklifi деб ҳисобланади.

## VIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг киймати 4-иловада кўrсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатida ҳар кайси урин буйича буш жойлар танлаш иштирокчisi таклиf этаётган баҳо кўrсатилган ҳолда аник тўлдирилган булиши лозим. Танлаш иштирокchisi taklifining умумий нархини аниқлашда оралик суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар пудрат ишлari танлашда иштирок этаётганда объективning takliif этилаётган кийmatini, лойиха-сметa хужjat-montaj iшларининг шартномavий баҳolardagi тўғridan тўғri kийmati сифatiда boшқa haражatlar va kүshimcha kийmat solifi (KKC)ni ҳisobga oлgan ҳolda belgilashlari kerak. Lойиха-сметa хужjat-montaj iшларinинг тўғridan тўғri kийmatiga доимий koэffицент сифatiда қўlлaniладиган boшқa haражatlar kийmatini tanlaш iшtirokchisi mustakil raviшda belgilайдi va iшlар kийmatiga kирitadi. Bунда, танлаш iшtirokchisi ташкилотлар takliif этаётган нархни ҳisobлашда 1 va 4-илovalar talablariга amal kiliши shart.

8.2. Танлаш iшtirokchisi объект лойиха-сметa хужjat (rekonstrukция kiliш, - kapital taъmirlaш)ning шартnomavий нархини belgilashda қўlлaniладиган лойиха-сметa хужjat materiallari ning нархлар ва komponentlар жадвалини tuldiradi. Bунда лойиха-сметa хужjat materiallari turini tanlaш

хужжатларida Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс кайдномаси) рўйхатдан олади ва пурратчи томонидан мустакил танлаш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аниқ объект асосий лойиҳа-смета хужжат материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект кийматининг 100 % ини (лоиҳада кузда тутилган) ташкил этувчи лойиҳа-смета хужжат материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма қўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Суз билан ёзилган нарх ва ракам билан курсатилган нарх орасида тафовут бўлса, суз билан курсатилган нарх кабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг киймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх кабул қилинади.

8.6. Танлашда белгиланган лойиҳа-смета хужжатнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, конунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, лойиҳа-смета хужжатнинг бир йилдан ортик давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантируvчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда конунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

## **IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Танлаш таклифининг амал қилиш даври танлаш таклифлари очилган кундан бошлаб 30 кундан кам булмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат курсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифининг бирламчи амал қилиш даври тугаш вактигача танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари билан таклифининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳакида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

## **X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Танлаш иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча хужжатларнинг битта аслини тақдим этиши керак.

10.2. Таклифининг асли нусхаси босма ёзувда булиши керак. 2,3,4,5,6,7,8-шаклларнинг ва 1,2,3,4-илловаларнинг ҳар бир бети танлаш иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва танлаш иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган булиши керак. 8-шакл танлаш иштирокчисининг раҳбари томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган булиши керак.

10.3.“Танлаш иштирокчилари га хабарнома”га мувофик зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифининг барча бетлари танлаш таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлаш ташкилотчиси хабарномасига мувофик киритилган ёки танлаш иштирокчиси йул қўйган хатоларни тузатиш учун зарур булган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган булиши керак.

10.5. Танлаш комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлиар ёки мукобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида сақлаб қолади. Танлаш хужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлиар, мукобил таклифлар ва бошқа омиллар танлаш таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

## **XI. ТАКЛИФНИ КОНВЕРТГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА БЕЛГИ ҚЎЙИШ**

11.1. Танлаш иштирокчисини имзо ва муҳр билан тасдиқланган таклифи, иккита бир-бирига солинган конвертларга муҳрланган ва мазкур йуриқноманинг 11.2, 11.3, 11.4-бандларига мувофик белги қўйилган ҳолда савдо ташкилотчисига тақдим этилади (11.8-бандда курсатилган ҳолатлардан ташқари).

11.2. Ташки конвертда 1-ийғма жилдга тегишли хужжатлар ва ички конверт жойлашади. Ички конвертда эса 2-ийғма жилдга тегишли хужжатлар жойлашади.

11.3. Ташки конверт қўйидагича белгиланади:

- таклифни қабул қилиш манзили курсатилади;
- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- таклифни топшириш санаси.

11.4. Ички конверт қўйидагича белгиланади:

- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- “молиявий таклиф” ёзуви.

11.5. Танлаш таклифини ўзгартириш ёки уни ҳисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома конвертда муҳрланган, танлаш иштирокчисининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда савдо ташкилотчисига тақдим этилади.

11.6. Ўзгартиришлар киритилган конвертлар 11.3 ва 11.4-бандларга мувофик “Ўзгартиришлар” ёзуви билан белгиланади.

11.7. Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома конвертида қўйидагилар курсатилади:

- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- “танлаш таклифини ҳисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома” ёзуви.
- танлаш таклифини ҳисобдан чиқариш ҳакидаги хабарномани бериш санаси.

11.8. Дастлабки малака танлаши оркали танлаш ўтказилганда биринчи ва иккинчи йигма жилд хужжатлари алоҳида топширилади.

## XII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ

12.1. Таклифлар танлаш ташкилотчисига ТАЖда курсатилган тартибда, уз муддатида ва манзил буйича тақдим этилиши керак.

12.2. Дастребаки малака танлаши оркали танлаш утказилганды (мазкур йурикноманинг 1.2-бандига ва ТАЖга каранг) дастребаки малакани утказиш санаси тайинланади (ТАЖга каранг).

12.3. Буюртмачи танлаш комиссияси билан келишган ҳолда таклиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳақда танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчиларига хабарномалар оркали билдиради.

12.4. Таклиф танлаш ташкилотчисига тақдим этилгандан сунг, у таклиф кабул қилингандын алохиди кайд этиш китобида рўйхатга олади.

12.5. Буюртмачи томонидан таъмирлаш ишлари ҳужжатлари танлаш иштирокчисига мазкур йурикноманинг 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилингандын ҳолларда танлаш иштирокчиси танлаш таклифини топшириш муддатини узайтириши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат килиши мумкин.

12.6. Юкоридаги бандда кайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда танлаш ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, танлаш иштирокчиси буюртмачидан лойиҳа ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани кабул қилган кундан бошлаб, энг камида 3 кун муддатга танлаш таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

## XIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

13.1. Таклиф берилганидан кейин танлаш иштирокчиси танлаш таклифига ўзгартирислар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартирислар ёки таклифни ҳисобдан чиқариши хабарни таклифларни бериш муддати ичидаги ёзма равишда танлаш ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

13.2. Танлаш иштирокчиси киритаётган ўзгартирислар ёки таклифни ҳисобдан чиқариши ҳақидаги хабарнома мазкур йурикноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган, муҳрланган ва белги қўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда курсатилган танлаш таклифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартирислар киритишига йўл қўйилмайди.

## XIV. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ

14.1. Танлаш буюртмачининг манзилида утказилади, агарда ТАЖда бошка ҳолат курсатилмаган бўлса.

14.2. Таклифлар (1 ва 2-ийғма жиллар) солинган конвертларни очиш катнашиш истагини билдиран танлаш иштирокчисилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ҳозирлигига ТАЖда курсатилган манзилда, эълон/таклифнома ёки хабарномада курсатилган кун ва соатда утказилади.

14.3. Танлаш иштирокчиларни ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қўйишлари керак.

14.4. Танлаш комиссияси таклифларини ҳисобдан чиқариши ҳақида хабарнома йўллаган танлаш иштирокчиларини эълон киласи (агар бўлса).

14.5. Таклифни ҳисобдан чиқариши ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди. Танлаш ҳужжатларида белгиланган муддатдан кейин тушган таклифлар кўриб чиқилмайди. Таклифларни тақдим этиши санаси танлаш ташкилотчисининг таклифларни олингандыгига почта хабарномасидаги белги буйича ёки танлаш ташкилотчисининг таклифларни иштирокчиларга берилган санаси ҳақидаги хабарнома санаси буйича (таклифларни кўлда етказиб берган ҳолларда) аникланади.

14.6. Йиғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлаш ғолибини аниклаш ёпик йиғилишларда амалга оширилади. Танлаш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор килинмайди, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.7. Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик танлаш ташкилотчиси зиммасида бўлади.

14.8. Агар ТАЖда бошка ҳолат курсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври танлаш таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 кунни ташкил этади.

14.9. Танлаш комиссияси ташки конвертни (1-ийғма жилд ҳужжатларини) очади, таклифларни тўғри тулдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлаш иштирокчилар малакасини баҳолашни амалга оширади.

14.10. Малака баҳоланганидан сунг малакадан утган ва 2 йиғма жилдни очилишига рухсат олган танлаш иштирокчилари эълон қилинади. Танлаш комиссияси 1-ийғма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин танлаш иштирокчиларнинг 2-ийғма жилларини очишга ҳакки йўк.

14.11. Танлаш комиссияси ички конвертни (2-ийғма жилд ҳужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни утказади, ғолибни аниклайди ёки бошка қарорларни қабул киласи.

14.12. Танлаш комиссиясининг барча қарорлари купчилик овоз билан қабул килинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш танлаш комиссияси тасдиклаган ва ушбу йурикноманинг иловаларида курсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Танлаш комиссияси томонидан танлаш иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотуғрилиги аникланган ҳолда, танлаш комиссияси ушбу танлаш таклифини рад қилишга ҳакли.

14.15. Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳакли, агарда улар бошка катнашчилар рейтингига таъсир килмаса.

14.16. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган обьектларни баҳолаш Узбекистон Республикаси “Давлат харидлари тургисида”ги Конунига биноан ва ТАЖда курсатилган ҳолда амалга оширилади.

14.17. Танлаш комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

14.18. Танлашга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад килиш ёки дисквалификация килиш сабаблари курсатилади.

14.19. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини батафсил үрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гурухларини тузиши мумкин. Баҳолаш гурухларининг таркиби танлаш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (танлаш комиссиясининг карори бўйича) киритилиши мумкин. Баҳолаш гурухларининг аъзолари танлаш комиссияси аъзолари каби танлашни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир конунчилликка ва мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

#### **XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ**

15.1. Танлаш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни танлаш комиссияси мажлисида кўриб чикиш вактида танлаш иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

#### **XVI. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

16.1. Танлаш иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдикловчи ҳужжатлар үрганилади.

16.2. Танлаш иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда курсатилган танлаш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш гурухи аъзолари танлаш таклифларининг баҳолаш варакларини тўлдиришади (техник баҳолаш вараги ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

16.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат курсатилмаган бўлса, баҳолаш вараги қўйидаги шаклда тўлдирилади: